



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
28 март
ЧОРШАНБА
№ 24
(12.452)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

НАВРЎ - 2012

ҲАР КЎНГИЛДА БАҲОР

Вилоят маънавият ва маърифат марказида Наврўзи оламга бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди. Вилоят ҳоқими Рустам Холматов бу ерга барча шаҳар ва вилоятлардан ташриф буюрган ишлаб чиқариш илғорлари, ижтимоий соҳа фаоллари, фермер, тадбиркор ва ишбилармонларни бетакрор баҳор байрами билан қутлаб, бошлаган хайрли ишларига ривож, эзгу орзу-ниятларига ижобат, дилларига баҳорий хуш кайфият тилади.

Маънавият ва маърифат маркази бу кун бутунлай ўзгача қиёфада. Кенг майдон ям-яшил рангга бурканган. Ёш ва дуркун дарахт ниҳоллари гўё аскарлардек бир сафга тартиб билан тизилишган. Турли шаклда барпо этилган гулзорлар чор атрофга ифोर таратади. Махсус байрам дастурини томоша қилиш учун тўпланган фермер тадбиркорлар, таълим ва тиббиёт, маданият ва маърифат соҳалари ҳамда жамоатчилик вакиллари чехраларида қувонч. Зеро,

Юртбошимиз Наврўз байрамини бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидлаганидек, "Наврўзи олам, том маънода, ўзининг руҳи ва ғоялари билан инсоннинг доимо она-ер ва табиат билан ҳамнафас бўлиб яшаши, ҳар қайси одамнинг қалбида, унинг лини ва миллатидан қатъи назар, яшамок ва яратмоқ интилишларини уйғотиш, аҳиллик ва бирдамлик туйғуларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Вилоят ҳоқимининг ҚАРОРИ «ТОШВИЛБОЗОРСАВДО» УЮШМАСИ ТИЗИМИДАГИ ДЕҲҚОН БОЗОРЛАРИ ВА САВДО КОМПЛЕКСЛАРИДА БИР МАРТАЛИК ЙИҒИМ ТЎЛОВЛАРИ ВА АҲОЛИГА ПУЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЙИҒИМЛАРИ МИҚДОРINI БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1326-сон қарори талабларини таъминлаш борасида вилоят ҳудудида фаолият юритиб келган 9 та буюм ва ихтисослашган бозорлари 9 та савдо комплексларига айлантирилди, 16 та деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари яроқчилигини аниқлаш бўйича экспресс-анализ лабораториялари ташкил этилди, барча бозорлар ва савдо комплексларининг даромад манбаларини аниқлаш бўйича 26 та автоматлаштирилган "Paynet" тизими жорий қилинди.

Деҳқон бозорлари ва савдо комплексларининг моддий-техника базасини ривожлантириш, харидор ва сотувчиларга қулай шaroитлар яратиш, қуриш ва қайта қуриш ишларига жами 1980,0 млн.сўм маблағ сарф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бозорлар ва савдо комплекслари даромадлари устидан ўрнатилган башорат кўрсаткичлари 96,6 фоизга бажарилди (прогноз 14102,1 млн.сўм), амалда 13621,5 млн.сўм), шундан маҳаллий бюджетга йўналтирилиши лозим бўлган 6913,7 млн.сўмлик режа 97,8 фоизга бажарилди (амалда 6759,8 млн.сўм).

2012 йилда бозорлар ва савдо комплекслари даромадлари режаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ўтган йилга нисбатан 20 фоизга оширилиб, 16518,8 млн.сўм, маҳаллий бюджет режаси 8259,4 млн.сўм қилиб белгиланди.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 апрелдаги ПҚ-1326-сон қарорининг 4-банди талабларидан келиб чиқиб, 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган бозор даромадлари режаси ва маҳаллий бюджет параметрлари прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш, бозорларда амалга оширилаётган қурилиш ва қайта қуриш ишларини ички имкониятлар ҳисобидан молиялаштиришни таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 24 февралдаги 22-сон, Республика Давлат солиқ қўмитасининг 2012 йил 24 февралдаги 2012-13-сон, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2012 йил 6 мартдаги "Бозорлар ва савдо

комплексларининг маъмурияти томонидан ундириб олинмаган бир марталик йиғимлар, ижара тўлови ва кўрсатиладиган хизматлар қийматининг минимал миқдорларини белгилаш тўғрисида"ги 2336-сон билан рўйхатга олинган қўшма қарорига мувофиқ ҳамда "Тошвилбозорсаудо" уюшмасининг 2012 йил 3 февралдаги 11/1-22-сон мурожаатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳудудидаги деҳқон бозорлари ва савдо комплексларида қишлоқ хўжалик, озиқ-овқат ва но-озик-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи шахслардан ундирилаётган бир марталик йиғим тўловлари миқдорлари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ ҳамда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тўловлари миқдорлари 3 ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Маъмур қарор қабул қилиниши муносабати билан вилоят ҳоқимининг 2011 йил 19 февралдаги 44-сон ҳамда 4 июлдаги 160-сон қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор расман эълон қилингандан сўнг 10 кундан кейин кўчга киририлсин.

4. "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари тахририяти (У. Абдушохидов)га вилоят ҳудудидаги бозорларда бир марталик ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш йиғимларининг 1, 2, 3 ва 4-иловалардаги янги миқдорларини матбуотда чоп этиш юклатилсин.

5. Ушбу қарор Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

6. Маъмур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳоқимининг ўринбосари С. Абдуллаев зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳоқими Р. ХОЛМАТОВ. Тошкент шаҳри, 20 март, 2012 йил.

ТАШАББУС - 2012

БУЛАР – САРАЛАРНИНГ САРАСИ

Ҳар йили Президент соврини учун ўтказиб келинаётган "Ташаббус" анъанавий кўрик-танлови юртимиз тадбиркор ва ишбилармонлари учун аллоҳдан чинакам мардлар майдонига айланган улғурди. Ҳар сафар нафақат иштирокчи номзодлар, балки танловга тақдим этилаётган махсу-

лотларнинг хили ва сифати ҳам юксалиб бораётгани, ўтган йиллар давомида вилоятимиз вакиллари танловнинг республика босқичида 5 марта мутлақ ғолиб чиқиб, Юртбошимиз соврини – энгил автомобиллар билан мукофотланганлари ҳам шундай дейишимизга асос бўла олади.

Анъанага мувофиқ, Урта Чирчиқ туманидаги вилоят маданият саройи бу гал ҳам танловнинг вилоят босқичини қарши олди. Унда танловнинг ҳудудий саралаш босқичлари ғолиблари, тижорат банклари, лизинг ва сўғурта компаниялари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этидилар. Тадбирнинг тантанали очилиш маросимидан барчанинг эътибори уч асосий йўналишга қилиб – вилоятимизнинг энг яхши тадбиркори, фермери ва хунармандини аниқлаб олишга қаратилди.



– Албатта, бу осон кечгани йўқ, – дейди Фермер хўжалиқлари уюшмаси вилоят вакиллиги раҳбари, ҳакамлар хайъати аъзоси Тўлқин Тўраев. – Негаки, ҳозир вилоятимизда 44 миңдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳам салкам 60 фоизга етди. Бугунги иштирокчилар шубҳасиз, улар орасида энг муносиблардир. Шунинг назарда тутилган ҳолда иштирокчилар тайёрлаган ранг-баранг маҳсулотлар кўргазмасидан тортиб, эришаётган ютуқлари, яратибган янги иш ўринлари, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жалб

этишга интилишлари каби бир қатор омиллар номзодлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезони бўлди, десак янглишмаймиз. Деярли барча қатнашчиларнинг изланиши ва ташаббуслари таҳсинга лойиқ бўлсада, танлов низомига кўра ғолиблар номи шу куннинг ўзидаёқ маълум қилинди. Унга кўра тадбиркорлик ва фермерлик йўналишларида ғолиблик Зангиота тумани вакиллари – дори-дармон воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Дентафилплюс" хусусий корхонаси ҳамда "Гулнора Наврўза барак" фермер хўжалиги раҳбарларига насиб этди. Қиёралик уста-дурадгор Шавкат Юсупов эса хунармандчилик йўналишида ғолиб топилди. Шунингдек, танловнинг фаол иштирокчилари "Энг яхши ёш тадбиркор", "Энг яхши тадбиркор аёл", "Ёшларга иш берувчи энг яхши корхона", "Энг яхши оилавий бизнес соҳиб", "Энг яхши бизнес ғоя", "Уста-шоғирд мактабининг яратган энг яхши хунарманд" каби бир қатор қўшимча йўналишлар бўйича ҳам тақдирландилар. Ғолиб ва совриндорларга ташкилотчиларнинг эсдалик совгалари тортиқ этилди. СУРАТААРАДА: Ғолиблар ва танлов иштирокчилари. Даврон АХМАД, СЕРИК ЗУФАРОВ ва ЕРКИБОЙ БОТМОНОВ олган суратлар.

ҚАНДОЛАТЧИЛИК

Янгийўл тумани Гулбаҳор шаҳарчасида иш бошлаган "Parasty kandi" масъулияти чекланган жамиятида турли ширинликлар тайёрланиб, ички бозордаги буюртмачиларга ет-

казиб берилмоқда. Айни пайтда 30 га яқин маҳаллий ёшларни иш билан таъминлаган корхонанинг қандолат маҳсулотлари, хусусан, шоколад ва конфетлар тури 5 тага етди.

ГУЛБАҲОРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛЯПТИ

Корхона Германия қандолатчилик саноатининг илғор технология линиялари билан тўлиқ жиҳозланган бўлиб, бир кеча-кундузда 3 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона фаолиятини талаб даражасида йўлга қўйишда жамиятнинг ўз маблағидан ташқари банк-

нинг 80 миллион сўм кредити қўл келди. Натигада, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қисқа вақт ичида харидорлар эътиборини қозонди. Ҳозир мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан кўп-кўп буюртмалар олаётган корхона ўз ширинликларини ташқи бозорга ҳам чиқариш ниятида. Бунинг учун ширинликларни Европа қандолатчилиги андозалари асосида, қатъий рецепт бўйича тайёрлашга, таркибида табиий сўт ва ноз-неъматлар меъёрида бўлишига, шунингдек, харидор диди ва талабига мос қадоқланишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шўҳрат МУРОДОВ.

УМРБОҚИЙ ЙИНЛАРИМИЗ

Асрлар мобайнида шаклланиб келган миллий спорт турларимизни ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида Бекобод шаҳридаги Саломатлик спорт мажмуаси ва Урта Чирчиқ тумани "Қумовул" маҳалласида "Миллий ўйинлар" фестивали бўлиб ўтди. Ҳокимликлар, "Хунарманд" уюшмаси ва ЎзМТДП ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

– Бу байрам ўзгача кайфиятдаги баҳор байрами бўлди, – дейди "Қумовул" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Хайринисо Мирзажонова. – Яқин йилларда бундай кўшалоқ байрам бўлганини эслаш оғайман. Яна ҳам муҳими, бу тадбиримизда аҳолининг барча қатламлари иштирок этгани бўлди. Анжуман сўнида хомийлар фестивал иштирокчилари ва кам таъминланган оила фарзандларига эсдалик совгалари топширилди. Жўрабек ЖАНГИРОВ.

«CHEVROLET MALIBU» ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон автомобилсозлари Наврўз байрамини муносиб тўхфа ҳозирладилар. Пойтахтимизда 20 март кунини "GM Uzbekistan" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган "Chevrolet Malibu" автомобилнинг тақдими бўлиб ўтди.



Тадбирда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, "Узавтосаноат" акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар, "General Motors" компанияси, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Маросимда Президентимиз Исло

Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида Ўзбекистонда автомобилсозлик саноатига асос солингани ва ушбу соҳа бугунги кунда иқтисодийнинг жадал ривожланаётган тармоқларидан бирига айлангани алоҳида таъкидланди. "Узавтосаноат" акциядорлик компанияси 40 компания, шу жумладан, Жанубий Корея, АҚШ, Италия, Германия, Голландия каби мамлакатлар капитали ва технологиялари иштирокидаги корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Уларда энгил автомобиллар, автобуслар, юк автомобиллари ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Соҳа корхоналарида 16 миңдан зиёд киши меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобиллар нафақат мамлакатимиз, балки хориж бозорларидан ҳам муносиб ўрин эгаллаб, бошқа давлатларда хари-

дорлар ишончига сазовор бўлмоқда. Автомобилларимизнинг замонавий стандартларга жавоб бериши, қулайлиги, хавфсизлиги, ишончли ва тежамкорлиги бу муваффақиятларда муҳим омил бўлмоқда. Автомобилсозларимиз истеъмолчиларнинг талаб ва тақлифларини инобатга олган ҳолда автомобилларини такомиллаштириш, моделлар қаторини кенгайтириш устида мунтазам иш олиб бормоқда.

"GM Uzbekistan" қўшма корхонасида янги модель – "Chevrolet Malibu" ни ишлаб чиқариш улаштирилгани фикримизнинг далилидир. Юксак ҳаракатланиш хараكتеристикаси, замонавий хавфсизлик тизими ва бетакрор интерьер билан алоҳида ажралаб турувчи "Malibu" да янги дизайнлик ишланмалари қўлланилган: икки секцияли Chevrolet радиатор панжарига, қучли ксенон фаралар, шунингдек, светодиодли бежирим орқа фаралар шулар жумласидандир. Автомобиль 2,4 литр ҳажмли, тўрт цилиндрли 169 ва 263 от кучи қувватига эга механик ва автомат узатмали двигател билан жиҳозланган. Ушбу моделда рул бошқарувининг яхшиланиши автомобилнинг ҳайдовчи хараكتига нисбатан тез ва аниқ реакциясини таъминлайди, изоляция қилинган олдинги рама шовкин ва вибрациянинг салонга киришига йўл қўймайди. "Malibu" қузови конструкцияси мустаҳкам ишланган автомобилни юқори тезликда бошқаришда қўшимча қулайлик яратди. Автомобиль янги аудио ва навигация тизимлари билан жиҳозланган. Юксак талабларга жавоб берувчи симиэз Bluetooth алоқаси hands free тизимидан смартфонлар учун фойдаланиш имконини беради. "Malibu" олти хавфсизлик ёстиқчаси, бош ва бўйин қисмлари ҳамма қилувчи хавфсизлик пардалари билан таъминланган. 2012 йилнинг июнь ойидан бошлаб сотувага чиқариладиган "Chevrolet Malibu" юртдошларимизнинг яна бир севимли автомобилига айланишига шубҳа йўқ. Олим ТЎРАКУЛОВ, Ўза мухбири.

НАВРҮЗ - 2012

ҲАР КҮНГИЛДА БАҲОР

Бунинг яққол исботи шу кунларда юртошларимизнинг бағрини кенг очиб, табиатдан баҳра олиб, сума...



си, табиатнинг яшариши ва янгилинидан дарак, дейди Бўка тумани маданият саройи бадий раҳбари Зафар Расулов...

оилаларга эътибор ва ғам-хўрликка ҳар кун, ҳар дақиқа гувоҳ бўлаямиз. Бу ҳамма эзгу ният ва тилакларимиз албатта рўёбга чиқишига ишончли кафолат.

Ёш спортчилар алоҳида саҳида ўз маҳоратларини намойиш этишди. Рақс жамоалари, айниқса, болалар гуруҳларининг чиқишлари барчага манзур бўлди.

Усмирларнинг баҳорга, бахтли болалик ва бегубор кунларга бағишланган кўшиқлари тантана иштирокчиларига хуш кайфият улашди.

Томошабилар она Ватанини мадҳ этувчи кўшиқлари билан чиққан ўзбек эстрадаси юлдузларини саҳнага қайта-қайта таклиф этдилар.

Албатта, Наврўз тантаналари ҳеч қачон сумалаксиз, кўкатлардан тайёрланган баҳорий таомлариз ўтмайди. Умумий катта байрам дастурхони атрофига тўпланган кекаса ёш вилоятдошлариниз кўкман таомларига тўйиб, кўй, кўшиқ ва рақслардан баҳра олиб, мориқиб хордик чиқардилар.

САМД ЙҮЛДОШ, Даврон АХМАД ва Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

Баҳорий байрам иштирокчиларини бирор сония ҳам хуш кайфият тарқ этмади. Карнай-сурнайларнинг авж пардалардаги янграқ овози шўх-шаън халқ рақс музикаларининг дилларни китикловчи ёқимли оҳангларига уланиб, уйғулашиб кетди.

Наврўз - бизнинг умумий байрамимиз. У турли халқ, миллат ва элатларни ўзларига хос ранг-баранг аъённалар билан бутун бир катта ва аҳил-иноқ оилага бирлаштиради.

Наврўз - баҳор элчи-

(Давони, Боши 1-бетда).



ИЖРО НАЗОРАТИ

МОЛИЯВИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ - ЮКСАЛИШ АСОСИ

Вилоят прокуратура идоралари "Банкротлик тўрғисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг бажорилиши юзасидан мунтазам назорат олиб борилмоқда. Хўжалик юртувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти тегишли маълумотлар асосида таҳлил қилиниб, уларни молиявий соғломлаштириш чоралари кўриляпти.

Хусусан, Ангрен шаҳри ва Юкори Чирчиқ туманидаги "Сувоқова" ишлаб чиқариш корхоналари, "Оққўрғон элита тажриба хўжалиги", "Тошкент телеком" филиали, вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ва унинг Чирчиқ шаҳридаги ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати, "Узагросуурта" ва "Кафолат" суурта компанияларининг вилоят филиаллари, "Максам Чирчиқ", "Ангрен иссиқлик электр станцияси" ва "Янгийўл ё-мой" очик акциядорлик жамиятлари, "Максам Ўзбекистон" кўшма корхонаси, "Кучлик нефтбазаси", "Куйи Бўзсув каскади ГЭС тизмаси", "Тошкент иссиқлик электр станцияси", "Бўкадавсувмаҳсус-пудрат" унитар корхоналари, "Пискент йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш фойдаланиши" давлат корхонасини зарар кўриб ишловчи корхоналар топифасидан чиқаришга эришилди.

Молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари натижасида "Ангрен иссиқлик энергияси", "Чирчиқ иссиқлик энергияси", "Чинозйўл-индустрия" ишлаб чиқариш корхоналари, Олмалик шаҳридаги "Аммофос Максам", "Олмалик кон-металлургия комбинати" очик акциядорлик жамиятлари, Юкори Чирчиқ туманидаги "Автомагистраль" сингари корхоналар иктисодий ноқорликдан чиқарилди.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш кўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси банкрот деб эътироф этилган 58 та корхонада тугатиш ишларини тегишли тартибда якунлаб, улар давлат реестридан чиқарилди. Қолган 213 та корхонада тугатишга доир ишлар давом эттирилмоқда.

Прокуратура идоралари тугатиш ишлари олиб борилган 58 та корхона банкрот деб эътироф этилишининг

БИР МАРТАЛИК ЙИГИМ ВА ТЎЛОВ МИҚДОРЛАРИ

Вилоят ҳокимининг 2012 йил 20 мартдаги «Тошвилбозорсавдо» уюшмаси тизимидаги деҳқон бозорлари ва савдо комплексларида бир марталик йиғим тўловлари ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш йиғимлари миқдорини белгилаш тўғрисидаги қарорига иловалар

1-илова Вилоят ҳудудидаги деҳқон бозорлари ва савдо комплексларида ундирилмаган бир марталик йиғим тўловлари миқдори

Table with 4 columns: №, Махсулот турлари, Бир савдо ўрни сатхи (М), Тўловлар миқдори (сўм). Lists various goods and their respective taxes.

Вилоят деҳқон бозорлари ва савдо комплексларида сотиладиган айрим турдаги товарларни сотишдан ундирилмаган бир марталик йиғим тўловлари миқдори

Table with 4 columns: №, Махсулот турлари, Бир савдо ўрни сатхи (М), Тўловлар миқдори (сўм). Lists specific goods and their taxes.

Вилоят савдо комплексларида бир марталик йиғим тўловлари миқдори

Table with 4 columns: №, Савдо комплекслари номи, Савдо фаолияти ва хизмат кўрсатиш тури, Тўлов миқдори (сўм). Lists trade complexes and their taxes.

Вилоят деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари ҳудудидаги турғун савдо шохобчаларидан ундирилмаган тўловлар миқдори

Table with 4 columns: Вилоят туман ва шаҳар бозорлари ва савдо комплексларида, Мулкчилик шаклидан қатъи назар, бозорлар ҳудудида жойлашган турғун савдо шохобчалари (савдо павильонлари) унун, шунингдек, асосланмаган сабаблар билан фаолият кўрсатмай турган турғун савдо шохобчалари, Бозорларни ривожлантириш ва обodonлаштириш ишлари ҳар ойда савдо шохобчасининг ағлаб турган ер майдони сатҳидан келиб чиққан ҳолда (ер ижараси қўшиб ҳисобланганда), Бир ойда бир маротаба ҳар бир квадрат метр ер майдонини унун ундиршиш, Тўловлар миқдори (сўм), Вилоят туманларида, Вилоят шаҳарларида.

Вилоят деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари ҳудудидаги турғун савдо шохобчаларидан ундирилмаган тўловлар миқдори

Table with 4 columns: Вилоят туман ва шаҳар бозорлари ва савдо комплексларида, Мулкчилик шаклидан қатъи назар, бозорлар ҳудудида жойлашган турғун савдо шохобчалари (савдо павильонлари) унун, шунингдек, асосланмаган сабаблар билан фаолият кўрсатмай турган турғун савдо шохобчаларидан бозорлар инфраузилмалари унун ер ва мулк мулк ҳуқуқи асосида тегишли булганда, Бозорларни ривожлантириш ва обodonлаштириш ишлари ҳар ойда савдо шохобчасининг ағлаб турган ер майдони сатҳидан келиб чиққан ҳолда (ер ижараси қўшиб ҳисобланганда), Бир ойда бир маротаба ҳар бир квадрат метр ер майдонини унун ундиршиш, Тўловлар миқдори (сўм), Вилоят туманларида, Вилоят шаҳарларида.

Изоҳ 1. Сотувчилар томонидан белгиланган савдо ўрнидан ошиб бўлган жойга, яъни иккинчи жой унун - тўлик ҳақ ундирилади. 2. Бир сотувчи томонидан бир неча хил махсулотлар сотилиб, бир марталик йиғим тўлови энг юқори махсулот турига белгиланган бир марталик йиғим тўловлари миқдоридан ундирилади.

2-илова Янгийўл иктисослашган деҳқон бозори ва савдо комплексларида ундирилмаган бир марталик йиғим тўловлари миқдори

Table with 4 columns: №, Махсулот турлари, Бир савдо ўрни сатхи (М), Тўловлар миқдори (сўм). Lists goods and their taxes.

Янгийўл иктисослашган деҳқон бозори ва савдо комплексларида сотиладиган айрим товарларни сотишдан ундирилмаган бир марталик йиғим тўловлари миқдори

Table with 4 columns: №, Махсулот турлари, Бир савдо ўрни сатхи (М), Тўловлар миқдори (сўм). Lists goods and their taxes.

Янгийўл иктисослашган деҳқон бозори ва савдо комплексларида ундирилмаган тўловлар миқдори

Table with 4 columns: №, Махсулот турлари, Бир савдо ўрни сатхи (М), Тўловлар миқдори (сўм). Lists goods and their taxes.

Изоҳ 1. Сотувчилар томонидан белгиланган савдо ўрнидан ошиб бўлган жойга, яъни иккинчи жой унун - тўлик ҳақ ундирилади. 2. Бир сотувчи томонидан бир неча хил махсулотлар сотилиб, бир марталик йиғим тўлови энг юқори махсулот турига белгиланган бир марталик йиғим тўловлари миқдоридан ундирилади.

3-илова Вилоят ҳудудидаги бозорлар ва савдо комплексларида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тўловлари миқдори

Table with 4 columns: №, Кўрсатиладиган пуллик хизмат турлари, Хизмат ҳақлари (сўм), Вилоят шаҳарларида, Вилоят туманларида. Lists services and their fees.

4-илова Янгийўл иктисослашган деҳқон бозори ва савдо комплексларида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тўловлари миқдори

Table with 4 columns: №, Кўрсатиладиган пуллик хизмат турлари, Хизмат ҳақлари, сўм. Lists services and their fees.

ЭСЛАТМА: нон, сут, гўлт, пиширилган озиқ-овқат ва кондитер махсулотларини сотувчилар махсус уст-бош кийимларидан фойдаланиши мажбурийдир.

«AGRO SANOAT MULK MARKAZI» МЧЖ баҳоси босқичма-босқич оғиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. Аукцион савдосига Чилонзор туман СИБ томонидан 28.04.2011 йилдаги №10-1115/1503 сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Мўйноқ кўчаси, 241-уйда жойлашган "Шахри Мелиса" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 770 НВА бўлган "Катива" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда,

бошланғич нархи - 48 626 100 сўм. 2. 05.03.2012 йилдаги №11655-сонли ижро варақасига асосан, "Эркин" жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 747 РАА бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи - 34 800 000 сўм.

3. Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан қўйилган мол-мулклар:

Table with 5 columns: №, Мол-мулк номи ва тавсифи, Уағза ҳо ҳусусиятлари, Сони, Бошланғич нархи (сўм), Манзили, Ижро ҳужжатининг рақами ва санаси.

4. Сирғали туман СИБ томонидан қўйилган мол-мулклар:

Table with 5 columns: №, Мол-мулк тури, Мол-мулкнинг асосий хусусиятлари ва тавсифи, Бошланғич нархи (сўм), Манзили, Ижро ҳужжатининг рақами ва санаси.

Аукцион савдолари 2012 йил 24 апрель кунини соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда ўтказилади. Талабдорлар диққатига! Юқоридаги автотранспортлар ва мол-мулклар аукцион савдосида сотилмаган ҳолда, мажбур автотранспортлар ва мол-мулклар сотиш юзасидан такрорий аукцион 2012 йил 10 май кунини бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида ҳисоб рақамига 2020800804948004002, ОАКБ "Капитал банк"нинг Мирзо Улуғбек филиали, МҚБ 01018, ИИН 302159464, ОКОНХ 84200га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари

бўлимининг вакили иштирокчида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризалар ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш қимосиди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзили: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29.

РЕЕСТР № 19-03-22-05-ЎЗР-8-2012
ТАБИЙ ГАЗ УЧУН ЧАКАНА НАРХЛАР

2012 йил 1 апрелдан жорий этилади
Умумий кўрсатмалар

1. Ушбу прејскурант тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолига етказиб бериладиган табиий газга тааллуқлидир. 2. Иситиш ускуналари туридан қатъи назар, аҳоли томонидан уй ва квартираларни иситишда табиий газдан фойдаланиш учун тўлов беш ойлик иситиш мавсуми давомида ҳар ой ҳисобидан белгиланган. 3. Истеъмолчи (абонент)ларда иккита ёки ундан кўп газ плитаси ёки иссиқ сув таъминоти учун иситиш бўлса, ушбу ускуналар учун газ сарфлаш меъёри икки марта ёки ундан кўпроқ оширилади. 4. Газ ўлчагичлар ўрнатилган уй (квартиралар)да фойдаланилган газ учун тўловлар ўлчагичлар кўрсаткичи ва ушбу прејскурантда белгиланган тариф бўйича тўланади. 5. Фойдаланилган газ учун тўлов микдорини аниқлашда хонадоннинг барча аъзолари, шу жумладан, вақтинча яшаётганлар ҳам ҳисобга олинади. 6. Иситилаётган хоналар деганда, бутун фойдали хажм: иситиш ускунаси қаерда жойлашганидан қатъи назар, яшаш хоналари, ваннахоналар, ошхона, ички йўлаклар, шунингдек, иситиш ускуналари бор бошқа хоналар (веранда, терасса, ойнаванд балкони) ва бошқа қўшимча қурилишлар) тушунилади. 7. Прејскурантнинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига етказиб бериладиган табиий газ сарфи меъёрилари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган. 8. Иситиладиган хона меъёри бир кишига 43 куб метр қилиб белгиланган. 9. Хоналарни меъёрдан белгиланган ҳажмда (43м³/киши) иситиш учун фойдаланилган газ ҳақи белгиланган тариф бўйича, меъёрдан ортиқча ҳажми учун эса бир ярим баробар микдорда тўланади. 8. Автоном сув иситиш ва қозонлар орқали иссиқхона (теплица) ва оранжереяларни иситиш, яқка тартибда меҳнат фаолиятини юритиш чоғида танدير, овқат пишириш учун фойдаланилган газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифларда олинмади. Газ ўлчагичлар йўқ бўлса, газ сарфи кечаю кундуз ишлаган газ ёқиш ускуналарининг энг юқори қуввати ва иситиш мавсумига тузилган шартномада белгиланган тартибда аниқланади. 9. Ушбу прејскурантнинг "Умумий кўрсаткичлар"и, агар қўшимча прејскурантда бошқача кўрсатилмаган бўлса, бошқа барча қўшимча прејскурантларга ҳам тегишлидир. 10. Ушбу чакана нархлар Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси илгари тасдиқлаган (2011 йил 28 сентябрь, реестр № 19-03-22-05-ЎЗР-52-2011) нархлар ўрнига 2012 йил 1 апрелдан жорий этилади.

1. Аҳоли томонидан фойдаланилган табиий газ учун тарифлар)

Table with 5 columns: Т/р, Номи, Стандарт ёки ТУ, Ўлчов бирлиги, Ўлчов бирлиги тарифи (сўм).

2. Газ ўлчагичлари йўқ ҳолатда коммунал-рўзгор эҳтиёжларига ишлатиладиган газ учун тарифлар (ГОСТ 5542-87)

Table with 5 columns: Т/р, Истеъмолчи тавсифи, Ўлчов бирлиги, Тариф бўйича тўловлар (Йиллик), Ойлик.

*) Иситиш ҳақи беш ойлик иситиш мавсуми давомида тўланади.

Табиий газдан улгуржи фойдаланувчи раҳбарлар диққатига!
"Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2012 йил 15 мартдан № 19-03-22-05-ЎЗР-9-2012 рақами билан тасдиқланган нархлар прејскурантга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси улгуржи истеъмолчиларига етказиб бериладиган газ нархи 2012 йил 1 апрелдан қўшимча қиймат солиғи билан 1000 куб метри учун 116100 сўм қилиб белгиланди.

Эслатма: 1. Табиий газ қалория учун қайта ҳисоб-китобсиз берилади. 2. Улгуржи истеъмолчиларга табиий газнинг улгуржи нархи унинг физик-кимёвий кўрсаткичларидан қатъи назар, ягона ҳисобланади.

"Тошкентгазтаъминот" унитар корхонаси маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2012 йил 15 мартдан № 19-03-22-05-ЎЗР-10-2012 рақами билан тасдиқланган нархлар прејскурантга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Иссиқлик таъминоти корхоналари улгуржи истеъмолчиларига етказиб бериладиган газ нархи 2012 йил 1 апрелдан қўшимча қиймат солиғи билан 1000 куб метри учун 107700 сўм қилиб белгиланди.

Эслатма: 1. Ушбу реестрда кўрсатилган табиий газ нархидан фойдаланувчи иссиқлик таъминоти корхоналари рўйхати илова қилинади. 2. Табиий газ қалория учун қайта ҳисоб-китобсиз берилади. 3. Мажбур реестрда анал қилина бошланиши билан 2011 йилнинг 28 сентябрдаги № 19-03-22-05-ЎЗР-51-2011 реестри ўз кучини йўқотди.

Табиий газга алоҳида нарх белгиланадиган аҳоли ва улгуржи истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб берувчи иссиқлик таъминоти корхоналари рўйхати:

- 1. "Каммуналык Иссиқлик Орайи" ОАЖ
2. "Таштеплоцентральный" ОАЖ
3. "Бухороэнергомарказ" АЖ
4. "Фаргонаэнергомарказ" ОТАЖ, унинг Қувасойдаги шўъба корхонаси ҳам кирради.
5. "Таштеплоэнерго" ишлаб чиқариш бирилшмаси
6. "Кўкнәнергомарказ" ОАЖ
7. Андижон "Иссиқлик манбаи" ОАЖ
8. Бухоро "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси
9. Жиззах "Иссиқлик манбаи" ОАЖ
10. Қашқадарё "Иссиқлик манбаи" ОАЖ
11. Наманган "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси
12. Намой "Иссиқлик манбаи" МЧЖ
13. Самарқанд "Иссиқлик манбаи" ОАЖ
14. Сурхондарё "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси
15. Сирдарё "Иссиқлик манбаи" вилоят ишлаб чиқариш бошқармаси
16. Тошкент вилоти "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси
17. Фаргона "Иссиқлик манбаи" ишлаб чиқариш бошқармаси
18. Хоразм "Иссиқлик манбаи" ОАЖ
19. "Ташкентская теплоэлектротранс" ОАЖ
20. Навоий КМК (5-кон бошқармаси қозонхонаси, НКМКнинг аҳолига хизмат кўрсатувчи Шимоллий, Марказий ва Жанубий кон бошқармалари)
21. "Тахияташ Иссиқлик тармағи" МЧЖ
22. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Мирзо Улуғбек тумани Улуғбек кўрғонидagi таъмирлаш-қурилиш фойдаланиши корхонаси.

"КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси оғиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Пискент туман СИБ томонидан, ФИБ Урта Чирчиқ туманларо судининг 2011 йил 25 ноябрдаги 1-12557/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилоти, Пискент тумани, Келовчи қ.ф.й., Гулзор кўчаси, 42-уйда жойлашган, умумий фойдаланилаётган ер майдони 1127,10 кв.м бўлган, 7 та литердан иборат, 1 та ҳаммом, 1 та хожатхона, 1 та ёғи ошхона ва оқ тошдан қурилган деворли уй-жой қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 110 556 156 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 30 апрель кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокчида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабдорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 27 апрель кунини соат 18.00. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатал келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳалда "КМХС" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИБ Сағбон фддаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО 01036, ИИН 207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Расмий сайти: www.1kms.uz Лицензия: RR-0001.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 26.01.2007 йилда реестр рақами 001374-01 билан рўйхатдан ўтган "ЗОХИДОН ВА ЗОКРУЖОН" хусусий корхонасининг устав фонди 1 147 256 сўмдан 17 433 сўмга қайтаганини маълум қилади.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 22.12.2009 йилда реестр рақами 003353-01 билан рўйхатдан ўтган "ANDIZ PLUS" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 1 070 000 000 сўмдан 221 505 759 сўм 77 тиынга қайтаганини маълум қилади.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 05.04.2011 йилда реестр рақами 004385-01 (ИИН 301935608) билан рўйхатдан ўтган "SHER TURON TELECOM" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини тўхтатганини маълум қилади. Тел.: (+99897) 332-32-31.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 22.12.2009 йилда реестр рақами 003353-01 билан рўйхатдан ўтган "ANDIZ PLUS" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 1 070 000 000 сўмдан 221 505 759 сўм 77 тиынга қайтаганини маълум қилади.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 05.04.2011 йилда реестр рақами 004385-01 (ИИН 301935608) билан рўйхатдан ўтган "SHER TURON TELECOM" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини тўхтатганини маълум қилади. Тел.: (+99897) 332-32-31.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 22.12.2009 йилда реестр рақами 003353-01 билан рўйхатдан ўтган "ANDIZ PLUS" масъулияти чекланган жамиятининг устав фонди 1 070 000 000 сўмдан 221 505 759 сўм 77 тиынга қайтаганини маълум қилади.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 05.04.2011 йилда реестр рақами 004385-01 (ИИН 301935608) билан рўйхатдан ўтган "SHER TURON TELECOM" масъулияти чекланган жамияти фаолиятини тўхтатганини маълум қилади. Тел.: (+99897) 332-32-31.

ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ КЎРИЛДИ

Республика иқтисодиётининг ўсиши билан бoғ-лиқ ҳолда автотранспорт воситаларининг кўпайиши ёниги маҳсулотларига бўлган таъминлаш турлари билан вақтида ва узлуқсиз таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолди.

Транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, бензин ёниги экологик тоза суолтирилган ва сикланган табиий газга боқичма-боқич алмаштириб бoриш, бу жараёнга инвестицияларни жалб этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Автомобилларни газ билан тўлдирган компрессор станцияларини ва автомобилларга газ қуйиш шохбчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суолтирилган ва сикланган газга боқичма-боқич ўтказиш чора тadbирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, унда автомобилларни газ билан тўлдирish комп-

рессор станцияларини ва газ қуйиш шохбчаларини ривожлантиришнинг 2007-2012 йилларга мўлжалланган аниқ стратегияси белгилаб берилди. Бугунги кунда автотранспорт воситаларининг бир қисмини суолтирилган ва сикланган газга ўтказишга оид чора-тadbирлар амалга оширилди ҳамда уларга хизмат кўрсатувчи кенг тармоқли инфратузилма ташкил этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг оқори лик-видли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида"ги қарорига ўз-

гартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори талабларидан келиб чиқиб, суолтирилган газ республика товар-хом ашё биржаси орқали сотилади. Биржада республикадаги барча газ қуйиш шохбчалари қатнашиб, кимовиди савдосидан харид қилишади. Тошкент шаҳрининг ўзида бугун 15 та суолтирилган газ (пропан) қуйиш шохбчалари ва 11 та газ (метан) қуйиш компрессор шохбчалари фаолият кўрсатмоқда.

"Ўздавнефтегазинспекция" Тошкент шаҳар бўлими, "Санавтегоконтехназорат" давлат инспекцияси, шаҳар ИИБ энгин хавфсизлиги, табиати муҳофазат қилиш ва факултада вазиятлар бошқармалари билан ҳамкорликда шаҳарда фаолият кўрсатаётган газ қуйиш шохбчаларининг техник-метрологик ҳамда технологик асбоб-ускуналарнинг ҳола-

ти, қойдалар, йўриқномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига амал қилиниши, аҳолига хизмат кўрсатиш савияси ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан март ойида кўриқ ўтказилиб, қиш қаттиқ келганлиги сабабли шохбчаларнинг шураган жойларини таъмирлаш, атрофларини кўкаламзорлаштириш юзасидан кўрсатма ва тавсиялар берилди.

2011 йилда "Ўздавнефтегазинспекция" шаҳар бўлими хусусий тadbиркорлар билан учрашув ва семинарлар ўтказди. Тadbиркорлик фаолиятига кўмак бeриш учун кўлланилган ишлаб чиқилди. Йил давомида шаҳар бўлими хужалик юртувчи субъектлар билан бевосита жойларга чиқиб, 1502 марта тушунтириш ишлари олиб борди. 131 та семинар-йўғилишда икки мингдан зиёд тadbиркор

иштирок этди. Оммавий ахборот воситаларида 16 марта чиқиш қилиниб, 16 марта кўргазма ташкил этилди. Ишлаб чиқилган қўлланилган 1200 нусхада кўпайтирилиб, тadbиркорлик субъектларига тарқатилди. 51 марта очиқ эшиклар куни ташкил этилиб, 106 тadbиркор қабул қилинди ва уларнинг барча мурожаатлари қондирилди. Ишонч телефони 38 марта мурожаат бўлиб, уларга ўз вақтида жавоб берилди.

Тadbиркорлик субъектлари билан тушунтириш ишлари олиб бoриш, уларга қулай шароит яратиш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишлари, семинар-йўғилиш ва учрашувлар 2012 йилда ҳам давом эттирилмоқда.

Б. САИДАЗИЗОВ,
"Ўздавнефтегазинспекция"
Тошкент шаҳар бўлими бош технологи.

ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2012 йил 27 апрель соат 17.00 да очиқ тендер ўтказилади.



1. **ШИ-25 й.т.** "5/2-кичик ноҳия – Аммофос ОАЖ" (Олмалик ш)
2. **ВХ-438 й.т.** "Балиқчи маҳалласи – Қўйлик АШБ"
3. **ВХ-575 й.т.** "Чиноз шаҳри – Тошкент АББ"
4. **ВХ-581** "Чиноз шаҳри – Янгиобод ф/у"
5. **ВХ-582 й.т.** "Чиноз шаҳри – С. Раҳимов ф/у"
6. **ВХ-515** "Чирчиқ АББ – Бўстон қўрғони"
7. **ШИ-3 й.т.** "ЭХП – 8-кичик ноҳия (шаҳар парки)" (Чирчиқ ш)
8. **ШИ-26** "Аранча маҳалласи – Ҳарбийлар шаҳарчаси" (Чирчиқ ш)
9. **ВХ-390** "Невич қишлоғи – Қўйлик АШБ" (Қўйлик томондан)
10. **ВХ-283 й.т.** "Янгийўл шаҳар бозори – Қуштепа маҳалласи"
11. **ШИ-19** "Чинор маҳалласи – Айланма" (Чирчиқ ш)
12. **Битта пакет билан:**
ВХ-501 "Мой қишлоғи – ТТЗ (Белоножка АШБ)"
ВХ-507 "Қибрай АШБ – Селекция маҳалласи"
13. **Битта пакет билан:**
ВХ-539 "Ҳазалкент – Богистон қишлоғи"

11. **ВХ-540** "Ҳазалкент – Бурчмулла қишлоғи"
12. **ВХ-546** "Чирчиқ АББ – Чорбоғ қўрғони (Ҳазалкент АШБ)"
14. **Битта пакет билан:**
ВХ-580 "Ўзбекистон ф/у – С. Раҳимов м.б. АШБ"
15. **ВХ-588** "Олмазор қўрғони – С. Раҳимов м.б. АШБ"
16. **ВХ-471 й.т.** "Бўзсув қ.ф.й. – Бобур маҳалласи – Жанубий вокзал АШБ"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2011 йил 22 февралдаги 49-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортда тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишлари амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия ҳамда тендер тақлифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия қарточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини биттабало кўриқдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадан, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашиш учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашиши айна битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси. **Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Автасозлар кўчаси, 4/68-уй.**

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун лицензия қарточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини биттабало кўриқдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадан, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашиш учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашиши айна битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун лицензия қарточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини биттабало кўриқдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадан, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашиш учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашиши айна битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳқўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислари зали. Мазлумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ ОЛАСИЗ

ЙИГИРМА ЁШГА ТЎЛМАГАНЛАРГА... СОТИЛМАЙДИ

Яқинда алкоголь ва тамаки маҳсулотлари сотишни чеклаш ҳақида янги қарор қабул қилинганини эшитдик. Шу ҳақда тулиқроқ маълумот берсангиз.

Ж. МАҲМУДОВ, Чирчиқ шаҳри.

Эрталаб фарзандлари пул сўраганларида, айрим ота-оналар пулни нималарга харажат қилиши ҳақида сўраштирадилар. Мактабдан чиққан бола қимматга қўйилапти? Кимлардан нималарни ўрганапти? Кўчада нима кўп, чанг босган листа, конфет, куртинг ёнига неча хил сигаретларни қўйиб, пуллаётган сотувчилар кўп. Харидорнинг неча ёшдалиги уни мутлақо қизиқтирмайди, савдоси юришса бас.

Хонадонга меҳмон келса, буй етган болаларини шу дўконларга спиртли ичкилик олиб келгани юборадилар. Бу бола руҳиятига қай даражада таъсир қилиши ҳақида ўйлаб қўрганми? Ароқ дўкони атрофида маст-аласт одамлар кўп бўлади, уларни кўриб, бола ўрланади, отасига ҳурмат ҳисси сусяди. Бу боланинг дунёқарашига пўтур етказди.

Конунинг 13-моддасида 20 ёшгача болаларга алкоголь ва тамаки сотилмаслиги, бундай дўконлар ўқув муассасалари, спорт ва диний ташкилотлардан камиди 500 метр узоқда бўлиши, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини очиқ ҳолда, яъни донлаб сотиш тақиқланиши, маҳсулотларнинг аниқ манзили, нархи, акциз маржаси кўрсатилган бўлиши, транспортда, ўйингоҳ, хиёбон ва бошқа жамоат жойларида алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш назорат остига олиниши белгилаб қўйилган.

Энг муҳими, қонунда белгиланганидек, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари рекламасига йўл қўйилмайди. Бу қўпчилик учун айна мўддаодир. Ёшларнинг фильмларда сигарет чекаётган ёки спиртли ичкилик истеъмол қилаётган катта ёшлиларга билиб-билмай тақлид қилиши келади.

Хулоса қилиб айтганда, шу йилнинг 1 апрелдан кўчга қирадиган мажор Конунинг жорий этилиши юртига, атрофдагиларга ҳурмат ҳисси билан инсонларнинг янада фаол бўлишига олиб келади.

Солмаз ГАФАРОВА, ҳуқуқшунос.

Юртбошимизнинг "Мустақкам оила йили" Давлат дастури тўғрисидаги қарориди жамиятимизнинг асоси бўлиши оила институтини янада мустақкамлаш ва ривожлантириш, аиниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб бoрилаётган барча ишларни сифат жиҳатидан янги боқичга кўтариш, жисмон соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини оширишга доир аниқ мақсадга йўналтирилган кенг қўламли чора-тadbирлар белгиланган.

ФАРОВОН ОИЛА ЮРТ РАВНАҚИ

Бу қутлуг даргоҳда инсониятнинг давомийлигини таъминловчи авлодлар дунёга келади ва тарбия топади. Ҳар бир кишининг жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши айна оиладаги муҳитга боғлиқ, десак муболағ бўлмас. Табиийки, оиланинг мустақкамлиги жамият учун муҳим. Икки ёшнинг умр йўлларини болаши оиланинг асоси ҳисоблана, бир-бирларини тушуниб, ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиши, келажак ворисларини дунёга келтириб, жамиятга, инсонларга нафиб тегадиган шахс қилиб тарбия қилишлари нурли келажакка қўйилган дадил қадам ҳисобланади. Шу боис интиқлонинг дастлабки йилларидадан мамакатимизда оила мустақкамлиги ва фаровонлиги ҳақида ҳаракатларда муҳим дастурий амал бўлиб хизмат қилади. Зеро, оила соғлом экан жамият мустақкам ва мамлакат барқарор бўлади.

ётирмиз. Юнусобод туманидаги "Ахилбод" маҳалласини яхши биламан. Аҳолиси жуда ҳамжиҳат. Бугунги кунда ўндан ортик миллият вакиллари тинч-тотув истиқомат қилишаётир. Тўй-маросимлар доим ҳамжиҳатликда ўтади. Бир сўз билан айтганда, маҳалладаги гап ташқарига чиқмайди. Бундай ноёб ижтимоий тузилма ҳозирги кунда "Маҳалла – ҳақк виждони" деган юксак таърифга ҳар тарафлама муносиб бўлиб бoрмоқда. Аиниқса, ёш оила мустақкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, кўмак ва маслаҳат бeришда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Шу жиҳатдан қараганда, "Мустақкам оила йили" Давлат дастури бу саъй-ҳаракатларда муҳим дастурий амал бўлиб хизмат қилади. Зеро, оила соғлом экан жамият мустақкам ва мамлакат барқарор бўлади.

Ҳабибулла ОТАҚУЗИЕВ, нотариус.

КЎРГАЗМА

ДАРЁДАН ТОМЧИ

Тошкент Фотосуратлар уювда фотожурналист Назира Боймуродованинг Наврўз байрамига бағишланган "Дарёдан бир томчи" мавзудаги фотокўргазмаси очилди.

Н. Боймуродова Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетини, Тошкент Фотосуратлар уюв ҳузуридаги фотосанъат мактабини тугатган. Ҳам журналист, ҳам шоира сифатида танилиб келган ("Энди фақат қулиб яшайман" шеърини тўпلام) муаллифининг "Ишонч" – "Доверие" газеталарида муҳбир бўлиб ишлаши, ўзига талабчанлиги, доимо ҳаётнинг қайноқ жойларида бўлиши фоторассом сифатидаги ижодиди ҳам ўз аксини топган.

Кўргазмадан муаллифининг юздан ортик бадиий фотосуратлари ўрин олган бўлиб, уларда Ватан манзаралари ва портрет жанри етакчи ўринда туради. Ватан манзаралари беғубор ва бахтиёр болалик, ёшлик романтикаси, оналик қувониқи ижодий ишларининг асосини ташкил этади. Мамакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларига сафари давомида тасвирга олган қатор фотосуратларида тарихимиз, қадриятларимиз ва миллий руҳ акс этган меъморий ёдгорликлар, ҳунармандчилик, маданий ҳаётимизнинг турли қирралари, йил фасллари акс этган фотосуратлар илҳомландирган бефарқ қолдирмайди.

Кўргазмадаги Тошкент вилоятнинг гузал манзаралари акс этган "Бўстонлик мўъжизаси", "Сувда ҳаёт акси", "Бу Ватанда яшаш бахтдир билганлар учун", "Ватан манзараси", "Оққўрғон тонглари" каби ўнгдан ортик фото ишлари кишини мафтун этади. Кўргазмага муаллифининг фотосуратлари ва мақолалари чоп этилган газеталар намуналари ҳам қўйилган.

Хасан АБДУНАЗАРОВ.

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши Тошкент вилояти бўйича ҳудудий комиссиясининг қарори асосида вилоятда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, тadbиркор ва ишбилармонларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулайлик, шарт-шароитлар яратиш мақсадида Тошкент вилояти бўйича Давлат архитектура-қурилиш назорати инспекциясида ҳар оининг биринчи сешанба куни "Тadbиркорларни қўллаб-қувватлаш" ва "Очиқ эшиклар куни" эълон қилинади.

Стандартлаштириш ва сертификатлаш масалалари, синов лабораторияси объектлари техник кўриқдан ўтказиш ҳамда қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш ва тегишли рухсатномалар олиш, шунингдек, бошқа масалалар бўйича ҳар оининг биринчи сешанба куни соат 9.00 дан 17.00 гача 241-40-25 телефони орқали мурожаат қилиши мумкин.

Тошкент вилояти бўйича ДАҚН инспекцияси манзили: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7-уй.

Вниманию потребителей электроэнергии!

Вводятся в действие с 1 апреля 2012 года Виды тарифов и группы потребителей «Электроэнергия»

I группа	Промышленные и приравненные к ним потребители с присоединенной мощностью 750 кВт и выше Двухставочный тариф: плата за 1 кВт максимальной нагрузки в год – 160 400 сум плата за 1 кВт-ч потребляемой энергии – 76 сум 50 тийин
II группа	Промышленные и приравненные к ним потребители с присоединенной мощностью 750 кВт Одноставочный тариф: – 97 сум 50 тийин за 1 кВт-ч
III группа	Производственные сельскохозяйственные потребители, в т.ч. насосные станции, финансируемые из бюджета – 97 сум 50 тийин за 1 кВт-ч
IV группа	Электрифицированный железнодорожный и городской транспорт (электропотяга) – 97 сум 50 тийин за 1 кВт-ч
V группа	Непромышленные потребители, бюджетные организации, уличное освещение городов – 97 сум 50 тийин за 1 кВт-ч
VI группа	Организации торговли, кафе, рестораны и сфера услуг – 99 сум 50 тийин за 1 кВт-ч
VII группа	Население, населенные пункты – 97 сум 50 тийин за 1 кВт-ч Население жилых домов, оборудованных электроплитами, – 48 сум 75 тийин за 1 кВт-ч
VIII группа	Электрическая энергия, используемая на нужды отопления, горячего водоснабжения и охлаждения (кондиционирования) – 97 сум 50 тийин за 1 кВт-ч
IX группа	Реклама и иллюминация – 110 сум 00 тийин за 1 кВт-ч
X группа	Хозяйственные нужды энергосистемы – 97 сум 50 тийин за 1 кВт-ч

Примечание:
1. Настоящие тарифы установлены с учетом налога на добавленную стоимость.
2. С введением в действие настоящего реестра утрачивает силу реестр от 28 сентября 2011 года № 19-03-22-05-Р/з-48-2011.

ОАО "Тошкент электр тармоклари".

ООО "FORMAT REKLAMI", зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сергелйского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Сергелй-7, дом 50, кв. 62 (ИНН 302075031) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 4 от 26.03.2012г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 803-21-34.

Утерьяный аттестат Д 772948, выданный в 1989 году школой № 28 Бостанлыкского района на имя Сақпаева Мамыр-жана Райкуловича.
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерьяный диплом № 480776, выданный в 2001 году Ташкентским областным педагогическим колледжом на имя Рус-тамовой Нигоры Абдураисовны.
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утерьяное свидетельство № ТА 0077015 от 25.01.2006г., выданное службой кадастра недвижимости, реестр № 5-342/2005 на имя ДП "ANGLESEY FOOD".
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ЧП "MUSAF OPTIMA" Сергелйского района (ИНН 302030182) преобразуется в ООО "MUSAF OPTIMA". Претензии принимаются по тел.: 762-83-01.

ООО "ABDURAXMON KELAJAK" Сергелйского района (ИНН 206554789) уменьшает уставной фонд с 93000000 сум до 30000000 сум. Претензии принимаются по тел.: 258-67-46.

Шайхонтохур тумани ТСРҮИ томонидан 2010 йил 23 июлда № 004433-09 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган "AKBAROVA MAMLAKAT" (ИНН 301665484) хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгарганлигини маълум қилади.

Чилонзор тумани ТСРҮИ томонидан 2012 йил 18 февралда 007709-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 302218248) "KAMRONBEK SAMOINUR-SAVDO" хусусий корхонаси ўз иш фаолиятини тугатди. Тел.: 701-54-70.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан "SANITATION KOMOLA" МЧЖга 28.02.2011 йилда берилган № Ю-0872 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерьяный кадастр (реестр № 3-302/11) на квартиру по адресу: г. Ташкент, Чиланзарский район, Чиланзар-10, д 33 кв 26, выданный ООО "SANITATION KOMOLA".
СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Олмазор (С. Раҳимов) тумани ТСРҮИ томонидан 15.02.2011 йилда 004036-05 реестр рақамли, 03.06.2011 йилдаги гувоҳнома билан рўйхатга олинган "MUSTANG QURILISH TA MIR" (СТПР 301490127) масъулияти чекланган жамияти **ТУГАТИЛАДИ.**

"Маҳалла" хайрия жамоат фонди Янгийўл туман бўлимида жамоати Янгийўл шаҳар "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғини собиқ раиси, Янгийўл шаҳар "Маҳалла" хайрия жамғармаси раис ўринбосари лавозимидан ишлаган **Меливой ҳожи ота САЛИХОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.